RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

2007 йил 22 август, чоршанба.

Миллий тиклаиш

Миллий тиклаиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган | 34 (417)-сон | Сотувда эркин нархда.

«Аёллар қаноти» — етакчи куч

ОНАЛАРИ БАХТИЁР ЭЛНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ҲАМ БАХТЛИ БЎЛАДИ

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида ЎзМТДП «Аёллар қаноти»нинг тўлақонли иштирокини таъминлаш» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДП фракцияси аъзолари, бир гуруҳ фаол хотин-қизлар, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида масъул лавозимларда ишлаётган аёллар иштирок этишди.

Конференция иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонига йиғилишди. Улар Эзгулик аркаси томон боришар экан, Бош майдонда кейинги даврда бўлган ўзгаришлар билан танишишди, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар тўғрисида суҳбатлашишди. Қўлидаги гўдагига қалб қўри билан боқ-кан Бахтиёр она ҳайкали пойига партия Марказий кенгаши ва вилоят кенгашлари номидан гулдасталар қўйилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов йиғилганларни давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан табриклаб, шундай деди:

— Бугунги тадбирни Бахтиёр она ҳайкали пойига гул қўйишдан бошлашимизда рамзий маъно бор. Оналари бахтиёр элнинг фарзандлари ҳам бахтли бўлишади. Она, аёл эъзоз топган оилага ҳавас қилсангиз арзийди. Сизларни бахтиёр кўриш бизга мадад беради. Партия ишида ҳам сизларнинг ёрдамингизга таянамиз, сафдошларимизнинг кўп қисмини ташкил қиладиган «Аёллар қаноти»нинг парвози доимо баланд бўлаверсин.

Йиғилишни ЎзМТДП «Аёллар қаноти» раиси Шарифа Салимова олиб борди.

Таъкидланганидек, юртимиз мустақиллигининг 16 йиллигида ўзининг мучал ёшини нишонлаган партиямиз сафларидаги хотин-қизлар ўтган давр мобайнида ЎзМТДП дастуридаги «Миллий тикланиш оиладан бошланади» деган шиор орқали жойларда бир қанча ишларни амалга оширишга улгуришди. Бироқ камчиликлар, сустқашликлар ҳам сезилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг жойлардаги ижроси ҳақида гапирди.

— Хотин-қизларимизни жисмоний, маънавий, сиёсий жиҳатдан оилага тайёрлаш ишида нафақат жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, балки сиёсий партиялар вакиллари ҳам фаол иштирок этишларини истар эдим, — деди у. — Эътиборингизни айрим рақамларга қаратмоқчиман. Бошқа сиёсий партиялар қаторида «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолияти ҳам таҳлил қилинганда, унинг Самарқанд ва Жиззах вилоят кенгашларида хотин-қизлар қўмиталари билан алоқа нисбатан яхши йўлга қўйилганлиги, шу боисдан аъзолар сони ҳам ошиб бораётганлиги маълум бўлди. Масалан, Самарқандда 2006 йилга нисбатан 21,4 фоизга ўсиш кузатилади, бу бошқа вилоят кенгашлари учун ибратли натижа деб ўйлайман. Бироқ юз бераётган камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. 2007 йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича ўтказилган таҳлилга кўра, республика бўйича нотинч оилалар сони 40 тага ошган, оналар ўртасида ўлим ҳолатлари 10 нафарга камайган бўлса-да, афсуски ҳалигача учраб турибди. 1 ёшгача болалар ўлими эса 73 тага камайган, фуқаролик судлари орқали никоҳни бекор қилиш ҳолатлари эса 1023 тага ортган. Бундай оғриқли ҳолатлар барчамизни ҳушёр торттираги ва масъулиятимизни янада оширади, албатта. Камчиликларни бартараф этиш мақсадида жойларда фуқаролар билан якка тартибда ишлашни йўлга қўйишимиз керак.

Партиянинг «Аёллар қаноти» раиси Ш.Салимова Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун асосида сиёсий партиялар олдида турган вазифалар» ҳақида гапирар экан, бу борада аввало асосий эътиборни партиянинг қуйи бўғинларига қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Светлана Ортиқова «Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик» мавзуида маруза қилиб, жиноий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ўз фикрларини билдирди. Партиянинг Наманган вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раиси Умида Жўраева «Мамлакат тараққиётида «Аёллар қаноти»нинг бугунги долзарб вазифалари» мавзуида маруза қилиб, ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам алоҳида тўхталди. Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Раъножон Зарипова сўзга чиқиб, режалар хусусида гапирди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича музокаралар ҳам бўлиб ўтди. Уларда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова, фаол аёллардан Дилбар Раҳмонова, Қумри Абдуллаевалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Партия фаолларидан Мукамбар Азимова, Гулнора Туропова, Янглиш Эшоновалларга партия Марказий кенгашининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. Партия сафларига янги аъзолар қабул қилинди.

Биз конференция аъзоларининг баъзилари билан суҳбатлашдик.

Саломат САРИМСОҚОВА, ЎзМТДП Ёзёвон туман кенгаши раиси: — Тадбирда ўртага ташланган масалалар ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди, албатта. Ҳар ойнинг бешинчи санасида вилоят кенгашида фаоллар йиғилиши ўтказишга одатланганмиз. Ҳозир айтилган таклифлар, фикрларни иш режамизга киритиб, бошқа партиядошларимизга ҳам етказиш ниятидаман. Яқин кунларда вилоятимизда фаоллар иштирокида конференция ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Ўйлайманки, бу тадбир ҳам тажриба алмашиш имконини беради.

Дилшода РАВШАНОВА, Сурхондарё вилоят кенгаши бош мутахассиси: — Зиёлилар партияси сафларида ишлаш давомида сиёсий билими пухта, тажрибали аъзолардан кўп нарсаларни ўрганиб бораяпман. Бугун билдирилган камчиликлар вилоятимизда ҳам йўқ эмас. Конференцияда айтилган фикр-мулоҳазалар билан танишиб, дастуримизни қайтадан кўриб чиқишимиз, таклифларни инобатга олиб, режалар амалга ошишини доимий таҳлил ва назорат қилиб боришимиз керак, деган хулосага келдим.

Соҳиба ПАХРИТДИНОВА, Наманган вилоят кенгаши мутахассиси: — Конференция «Аёллар қаноти»га бағишланганлиги долзарб мавзуларда фикр алмашиш имконини берди. Йиғилишда таъкидланганидек, ютуқлар ўзимизники, камчиликларни йўқотиш учун биргаликда ишлашимиз, доимий тажриба алмашиб боришимиз, бир сўз билан айтганда, уюшқоқлик керак.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА, «Миллий тикланиш» мухбири.
Азамат АҲМАД олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БЮДЖЕТ ИЖРОСИ МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Х. Дўстмуҳамедов олиб борди.

Фракция йиғилишида кун тартибига киритилган бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисида"ги масала юзасидан Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи Б. Бўроновнинг ахбороти тингланди. Таъкидландики, Давлат бюджетининг кўзда тутилган барча параметрлари ошириб бажарилган. Мазкур масала юзасидан депутатлардан Ш. Салимова, О. Ўсаров ва А. Маматовлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

"Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бўйича Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Қ. Тошматов ахборот берди. Депутат Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бўйича солиқ кодексига тузатишлар киритилишини таъкидлади. Айни пайтда мамлакатимиз раҳбарининг Фармони бўйича жойларда ёшларга кредитлар ажратиляпти.

Шунингдек, фракция йиғилишида "Бюджет тизими тўғрисида"ги ва "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги масалалар ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Шу билан бирга кун тартибида партия Уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги лойиҳа муҳокама қилиниб, депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Фракция йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

МАЪНАВИЯТНИНГ ТЕРАН ТОМИРИ

Шарқда илдиз отган

Ўзбек халқининг тарихи узоққа бориб тақалади. Дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган улуғ зотларнинг аксарияти қадим Туронзаминнинг фарзандлари эканлигини ҳеч ким инкор эта олмаса керак.

Шарқ фалсафаси-ю мафкураси ҳам, фан ва маданияти дастлаб шу табаррук тупроқда куртак ёзган десак, муболаға бўлмайди. Холисанлилло айтганда, ўтмиш тарих ҳақиқати ҳар қандай тилсимотнинг ҳам шу манзилда ўз ечимини топгани-ю улуғ аждодларимиз олдида ожизу лол қолганини тўла исботлайди. Буларнинг ҳаммаси онгимизга сингиб, умуммиллий қадриятларимиз билан уйғунлашиб кетган.

Дарвоқе, миллий мафкура ҳақида гап борар экан, унинг ўзига хос тарихи мавжуд эканлиги эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Мамлакатимиз Президенти маърузаларидан бирида: "Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан", деган эди.

Дарҳақиқат, бундан бир неча аср олдин Беруний бобомиз уммон ортида катта бир қитъа борлигини башорат қилганини, шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек ердан туриб ой ва юлдузлар ҳаракатини аниқ кузатганини, пири комил аждодимиз ал-Бухорий "Дунёнинг имоми" деб тан олинганини, Мисрдаги азим Нилнинг кўтарилиб-тошиб туришини олдиндан аниқлаш мумкин бўлмаган бир пайтда Аҳмад ал-Фарғоний махсус иншоот — устурлобни кашф қилиб, дарё сатхини аниқлаганини ким билмайди дейсиз?

Мустақил бўлгунимизга қадар жаҳон тамаддуни – цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган юзлаб, балки минглаб буюк зотларимизнинг ҳаёти ва фаолиятидан тўла баҳраманд бўлолмай келаётганимиз бор гап эди. Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Имом ал-Мотуридий, Абдулхолиқ Ғиждувоний каби мусулмон оламида катта нуфузга эга бўлган бир қанча даҳоларимизнинг қолдирган бебаҳо дурдоналари у ёқда турсин, ҳатто уларнинг кимлигини ҳам тўлиқ билмасдик.

Ўтган йилларда Юртбошимиз ташаббуси билан Бурҳониддин Марғиноний ва Абу Мансур ал-Мотуридийнинг таваллудлари муносабати билан қарорлар эълон қилиниб, йирик тадбирлар ўтказилгани бежиз эмас. Уларнинг кимлигини энди-энди англаб етаяпмиз. Истиқлол даври ичида гўзал Фарғона ва Қува шаҳарларида Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик таваллуд тўйи кенг нишонланиб, унга ҳайкал ўрнатилган. Тўғриси, Фарғоний шахси борлигини билардигу бироқ бу фозил инсоннинг кимлиги, унинг дунёни ҳайратга солган кашфиётларидан бебаҳра қолиб келаётгандик.

Яна бир ватандошимиз – илк уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Райҳон Беруний ҳам илмнинг барча соҳаларида улкан кашфиётлар яратган йирик тафаккур соҳиби бўлган. Билим доираси ниҳоятда кенг бўлган бу аллома ўз асарларида дунёнинг чексизлиги, қитъалар ва океанлар ўзгариб туриши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни илмий асослаб бергани тарихий ҳақиқат.

Ўтмишдан маълумки, бундан салкам ўн, ўн бир аср илгари ҳам илмий изланишлар натижасида самога "нарвон" қўйиб, чексиз коинотни забт этишга ҳаракат қилган аждодларимиз ўтган экан. Ана шу илк тадқиқотларнинг самараси ўлароқ, фазогирларимиз турфа сайёралар – осмон жисмларини ўрганишга оид илмий изланишларини давом эттиришаяпти десак, муболаға бўлмас.

Биз улуғ зотларнинг авлоди эканмиз, шу муборак Ватанда вақт-соати келиб яна шундай инсонларнинг етишиб чиқишига асло шубҳа қилмаймиз. Мамлакатимиз раҳбари шу боис ёшларимизнинг ривожланган давлатлар нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишлари учун катта имкониятлар яратиб, улардан ҳеч нарсани аямаяптилар. Яна шуни алоҳида эътироф этмоқчимизки, ҳали барча соҳада тараққий этган давлатлар ҳам биздан ўрнак оладиган вақт келишига ишонамиз.

Табиий савол туғилади: хўш, Туронзаминда шундай алломалар ўтган экан, нега биз миллий мафкурага катта эҳтиёж сезган эдик? Шу каби саволларга берадиган жавобимиз анча оддий ва жўн. Маълумки, тоталитар тузум даврида онгу шууримизга истасак-истамасак марксизм-ленинизмнинг пуч ғояларини мажбурий сингдиришга зўр бериларди. "Истмат", "диамат", илмий коммунизм ва бошқа алламбало фанлар биринчи навбатда ўқув дастуридан жой оларди. Биз ўқувчи талабалар бундай "ноёб" фанларни ўрганишга, ҳатто мағзини чақишга ақлимиз етмай, ёдлаб олишга ҳар қанча уринсакда, мўъжазгина миямизга жойлолмай овора бўлардик.

Яширишга не ҳожат? Ҳақиқатан ҳам, даққиюнусдан қолган дарслик ва китоблар асосида билим ва тарбия олганимиз рост. Афсуски, унинг аянчли асоратлари узоқ вақт сақланиб турди. Чунки салкам бир аср мобайнида ўзимизнинг миллий қадриятларимизга асосланган бетакрор ва муқаддас ғоялар қолиб, собиқ тузумнинг тараққиётга зид, таг-замини омонат бўлган мафкурасини ўрганишга зўр бердик. Оддийгина қилиб айтганда, ўзимизнинг қадимий чашмамиздан оққан зилол ва шаффоф сув қолиб, ўзгаларнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ сунъий тарновидаги оқавани сипқориб келдик.

Шукрки, буни мустақилликни қўлга киритгачгина англаб етдик. Бу жумбоққа Президентимиз қисқа жавоб топиб: "Эндиги долзарб вазифамиз бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборатдир", дегандилар.

Мамлакатимиз илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, баркамол авлод келажаги йўлида маънавий-маърифий ишларни юксалтириш бугунги куннинг муҳим вазифалари этиб белгиланди. Ана шу изчил ислоҳотларнинг самараси ўлароқ "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар таёрлаш ишлай Дастури" асосида кенг қўламли тадбирлар олиб борилаётгани қувонарлидир.

Сўзимиз сўнгида шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, бир неча асрлардан бери ўзининг сайқалини, тарбиявий аҳамиятини йўқотмай, боқий қадриятларимиз асосини ташкил қилган миллий мафкура ва маданиятимиздан баҳраманд бўлиш имконияти вужудга келди. Табиийки, миллий менталитетимиз, мустаҳкам мафкурамиз тарихини чуқур ўрганиб, онгу шууримизга сингдириш ончалик қийин кечмайди. Чунки йўқ нарсадан кўра, мавжуд ғояни ўрганиб, идрок этиш осон ва қулайдир.

Умуман айтганда, ғояга қарши ғояни, жаҳолатга қарши маърифатни ёшларимиз онгида ҳозирданоқ шакллантириб боришимиз бугунги куннинг ҳам муҳим талабидир. Буни ўз вақтида амалга оширсак, ёшларимизнинг тасаввурига ўрнашиб қолган баъзи ёт унсурларни чиқариб ташлаймиз. Ана шундагина уларни маънавий-ғоявий жиҳатдан ногирон бўлиб қолишдан сақлаб қолишимиз осон кечади. Маънавий ногиронлик мавжуд бўлган жойда тараққиётга эришиш мушкул. Бинобарин, кишининг инсонийлик фазилатларини белгилайдиган асосий манба изчил ғоя ва маънавият экан, у абадул-абад яшаб қолишнинг кафолатидир!

Азамат СУЮНОВ.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Самарқанд туман кенгаши ташаббуси билан "Энг улуғ ва энг азиз байрам" мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро туман кенгаши томонидан "Жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ зарур" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Қарши туман кенгаши ташаббуси билан хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш масалалари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Тахиатош туман кенгаши томонидан "Қариялар қўшиқ қуйлаганда" мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Фарғона шаҳар кенгаши "Камолот" ЁИҲ ва ФҲДЁ шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда "Қонун устуворлиги бизнинг бош мақсадимиз" мавзуида тадбир ташкил этди.

* * *

Партиянинг Ховос туман кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Она-Ватан — сенсан ифтихорим" мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Денов туман кенгаши томонидан "Истиқлол берган неъмат" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Нукус шаҳар кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қорақалпоғистон Республикаси филиали билан ҳамкорликда "Сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли" мавзуида семинар-тренинг ташкил этди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Таҳририятга мактуб

БИЛЛУР ОВОЗ СОҲИБАСИ ЭДИ

Биз — санъат шайдолари газетангизнинг 8 август сонида Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова ҳақидаги «Тушларимга кирар Марғилон...» мақоласини ўқиб, ниҳоятда шодландик. Миллий қўшиқчилигимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган ва элимиз дилидан муносиб ўрин эгаллаган бетакрор овоз соҳибасини барча-барчамиз алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз. Хонанда ижросидаги «Муножот» қўшиғини ҳали-ҳануз энтикиб эшитамиз.

Ҳозир мумтоз қўшиқларимиз ёшлар томонидан хиргойи қилинмоқда. Аммо маромига етказилиб куйланаётганлари кам учрайди. Берта опа умр йўли ёритилган мақола шу жиҳатдан ибратлидир.

Берта Давидова қўшиқ айтганда олам сукунатга чўмарди. Гўё борлиқ унга маҳлиё эди. Биллурдек тиниқ овоз олдида ҳар қандай булбул ҳам мум тишларди. Бир зум бўлса-да, дунёнинг ишлари ёддан чиқиб кетарди. Ҳамма руҳият оламига сокин кириб борарди. Шунда кишида одамларга яхшилик қилиш, Ватанни севиш каби туйғулар жўш урарди. Чинакам санъат ана шундай мўъжизавий қудратга эга.

Биз Берта опага газетангиз орқали бир нечта савол бермоқчи эдик. Аммо надоматлар бўлсинки, бу хушовоз хонанда ҳақида ўқиган сўнгги мақола бўлиб қолди. Севимли санъаткоримизнинг вафот этганликларини эшитиб, бошимиз беихтиёр эгилди. Ҳа, ўлим ҳақ. Бироқ опанинг ёркин хотираси асло ёдимиздан чиқмайди. Начора, фақат опагагина хос бўлган бетакрор овозни соғиниб яшашга мажбурмиз. Ҳар қалай, ўша мақола бизга таскин берди.

Камоли эҳтиром билан бир гуруҳ «Миллий тикланиш»чилар», Фарғона вилояти.

Газетамизга 2007 йилнинг келгуси ойлари учун обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

Маънавият сабоқлари

Бу фоний дунёда ҳеч қачон бандасининг айтгани бўлган эмас. Аллоҳ таолонинг айтгани-айтган. Разолатнинг ниҳояси разолат, қабоҳатники ҳам қабоҳатдир. Бу азалий қонундир. Муқаддас Қуръони каримда бир сахий одам ҳақида оятлар мавжуд.

МУҲАББАТ ТУЙҒУСИ ПОКИЗАЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Бу одам ҳар йили боғидаги мевани йиғиштириб олишда муҳтож, яъни камбағал кишиларни жалб этар эди. Меваларнинг ерга тушгани уларники, узиб олингани эса боғ соҳибиники бўлар эди. Бу дунёда боғбон яхши яшаб ўтди. Камбағаллар унинг ҳақига кўп дуолар қилишди. Боғи меросхўрларга қолди. Аммо улар бахиллик қилишди. Меваларни ўзлари йиғиштириб олмоқчи бўлди, яъни муҳтож ва камбағалларнинг ризқини қиймоқчи бўлишди. Тонг вақтида одамлар уйғонмасидан туриб, меваларни йиғиштириб олишга киришдилар. Лекин бахиллар ниятига эриша олмади. Аллоҳ шундай бир офат юбордики, меросхўрлар келганида, боғнинг бутунлай нобуд бўлганини кўрдилар. "Бахилнинг боғи кўкармас" мақоли ўша воқеадан кейин пайдо бўлган бўлса ажаб эмас.

Муҳаббат, бойлик, амал ёш ва чирой танламайди. Шу боис, олтин ўтда, кўнгил муҳаббатда синалиб, тобланади. Ҳийла билан бировларнинг севгисига эришиш оқибатининг ниҳояси фожиа билан якун топади. Ким бўлсин хиёнат йўлини танладими, унинг интиҳоси жуда ачинарли.

Касб-ҳунарга қизиқишнинг замирида ҳам муҳаббат мавжуддир. Муҳаббатнинг энг эзгуси, бу илм, унинг жумбоқлари мағзини тотиб, оғир меҳнатни енгил қилиш, одамларга наф келтиришдир. Илмнинг хосияти, барокати унинг соҳибини юксак мақомга олиб чиқади, яъни уни икки дунё саодатига муяссар қилади.

Баъзи одамлар муҳаббатни фақат йигитнинг қизга, эркакнинг аёлга бўлган туйғуси деб ҳисоблайди. Ахир, Ватанга нисбатан, ҳақиқий устоз-шогирд, дўстлар ўртасида муҳаббат, ҳурмат ҳам бўлади-ку.

Муҳаббатнинг фалсафий тушунчаси шундаки, у мўрт эмас. Ота-онани, устозни, дўстни сохта ҳурмат қилганларни оқлаб бўлмайди. Она-табиатга, касб-ҳунарга бўлган муҳаббатнинг саёзлигини ҳам шундай дейиш мумкин. Илм ҳам хиёнатни кечирмайди.

Юртига муҳаббати кучли одамнинг қўлидан сотқинлик келмайди. Миллатига, динига содиқлар ҳам бу улуғ туйғу шаънига доғ туширмайди.

Мухторбек ўзига тўқ оилада вояга етди. Мактабда ҳам отасининг таъсири сезилиб турди. Синфдош дўсти Муртазо "аъло"га ўқир эди. Отанинг ҳиммати билан "қизил" шаҳодатнома Мухторники бўлди. Қўқондан Тошкентга келдилар. Ҳар икки дўст тиббиёт ўқув юртига ҳужжат топширишди. Муртазо билими ва ақли билан, Мухторбек яна отасининг ёрдами туфайли ўқишга кирди. Йиллар тезда ўтиб кетди. Ҳар иккиси олий ўқув юртини битириб, Қўқонга қайтишди ва бир шифохонага ишга жойлашдилар.

Мухторбекнинг беморлари орасида ўлим тез-тез учраб турарди. Бунинг устига таъмага, порага ўрганиб қолди. Пулга "муҳаббат" худди ёрнинг муҳаббатига ўхшарди. Қай бирини яхши кўришни билмасди. Орада бир неча фарзанди дунёга келди. Энди уни қўллайдиган отаси йўқ. Касбига муҳаббати бўлмаган одам худди бўйнидан боғланган тозига ўхшар экан. Яна ҳар ишидан ишкал чиқади. Обрўга пул билан эришиб бўлмас экан. Мухторбек алал оқибат шифохонани тарк этиб ўзини савдога урди.

Муртазонинг эса омади келди. Беморлар кўнглига йўл топиб, тажрибали шифокорлардан касбининг сирларини ўрганди. Ўз устида ишлашни канда қилмади. Илмий иш қилишга ҳам вақт топди. Машҳур профессорлардан бири уни ўзига шогирд қилиб олди. "Қўли енгил шифокор" деган ҳурматга сазовор бўлди. Бойлардан кўра камбағалларга кўпроқ қайишарди. Оиласида ёрига, кўнгил қўйган касбига эса муҳаббатли кучли эди. Ниҳоят Муртазо олим бўлди. У обрў ва лавозим ортидан қувмади, аксинча улар уни қувди.

Хаёт оқими икки дўстни икки томонга олиб кетди. Лекин ўзаро оилавий борди-келди ришталарини узмадилар. Аммо бир иш ўртадаги дўстлик муҳаббатини чил-чил қилиб юборди... Муртазонинг Наимахон исмли қизи бор эди. Аллоҳ унга гўзалликни, қоматни бутун қилиб берганди. Бойвачча Мухторбек Наимахонни турли йўллар билан алдаб, ўзига оғдириб олди. Қимматбаҳо кийимлар, тақинчоқлар олиб бериб бошини айлантирди.

Барчаси вақт-соати келиб очилди. Шундай қабоҳат юз бердики, Мухторнинг уйи ёниб, хотини, икки фарзанди қурбон бўлди. Одамлар: "Худо кўрсатди!", — дейишдан нарига ўтолмадилар.

Муҳаббат покиза туйғу. У хиёнатни кўтара олмайди. Унга гард ва доғ тушдими, албатта бузилади. Шу боис, муҳаббатни асрайлик, унга содиқ қолайлик.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
доцент.

Миришкор туманидаги «Жейнов чорвадор» масъулияти чекланган жамиятига қарашли цех бир сменада икки тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда тайёрланаётган 12 турдаги сут маҳсулотлари сифати яхшилиги билан харидоргир бўлмоқда. Энг муҳими, мини цех очилгач, ўнга яқин қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Мустақиллик — тақдиримизда

АЁЛ ЁҚҚАН ЧИРОҚЛАР...

Маҳалладаги йиғинда қизларнинг сеп-сидирғаси ҳақида гап кетди. "Тўнғичимга ҳадеб совчилар келаяпти, узатай десам сеплари тайёр эмас-да", — деди аёллардан бири. Давра тўрида ўтирган онахон аёлни саволга тутди:

— Қизингиз бирорта ҳунарни ўрганганми, айланай?

— Йўғ-а, бу ҳақда ўйламабман, — деди аёл бўшашибгина.

— Бўлмаса, тезда шунга киришинг. Қиз ҳунар эгаллаб, турмушга тайёр бўлгандан сўнг узатсангиз, уялиб қолмайсиз. Сеп-сидирғадан кўра шу нарса муҳимроқ!

Ўтирганлар онахоннинг гапини маъқуллаб бош силкишди.

Суҳбатни тинглаётиб ўйладим. Қанийди, ҳар бир маҳаллада ўзининг маслаҳатлари билан сингилларимиз ва қизларимизнинг маънавий оламига нур олиб кирадиган онахонлар кўпроқ бўлса! Негаки, қиз болани турмушга тайёрлаш масаласи қурилажак оилаларнинг мустаҳкам бўлишига кафолатдир. Ҳадиси шарифларда ҳам "Аёл ўз ҳунари билан рўзғорга барака олиб киришда эрига кўмаклашиши керак" дейилган. Чунки, аёл — келажак яратувчиси. Эртанинг чироғини аёл ёқади. Озод юртнинг аёллари эса улуғ миллатнинг юрар йўлларини ёритиб бораётганлиги сир эмас...

Бугунги аёл ўзига ярашиб турган энг ихчам либосларда ўзгача шаҳд билан кўчага отланади. Сабаби, иш кўп, ҳаракат кўп. Ҳаммасига улгуриш керак. Улар идора ишини ҳам, фарзанд тарбиясини ҳам, тадбиркорликни ҳам эплашяпти. Ишдан ортиб менежерлик сабоқларини ўрганишга, компьютер ёнида ўтириб интернет тармоғи орқали дунё мамлакатлари билан боғланишга вақт топаётган аёлларимиз анчагина. Эндиликда маҳаллаларда диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича тайинланган маслаҳатчиларнинг ҳаммаси зиёли ва маърифатли аёллар.

— Ёшлар худди ниҳолдек гап, қай шароитда тарбияланса шунга мослашади, демак, биз улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтирайлик, — дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли маҳалла маслаҳатчиси Т. Соатова. — Токи, балоғат ёшидаги қизларимизнинг фикри соғлом бўлсин, вақтдан тўғри фойдаланиб замонавий билимларни ўзлаштирсин, оилага тайёрлансин. Бугунги аёл рўзғорни пишиқ-пухта юритиши учун аввало ўзи ҳам ўқиб, излансин, китоб варақлаб, янгиликлардан бохабар бўлсин.

Маслаҳатчи ҳақ гапни айтди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида ҳам аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтиришга алоҳида урғу берилган.

Олимларнинг эътироф этишларича, инсонда учта куч мужассам экан. Жисмоний куч асосида меҳнат ётади. Билим ва тарбия эса ақлий кучни юзага келтиради, руҳий кучда эса эътиқод ва иймон уйғунлашган. Агар шу учала куч бирлашиб, мустаҳкамланса, инсон ҳар томонлама камолотга эришади. Зеро, мустақил юрт аёлининг руҳий оламида эътиқод кучли экан, у оила қадриятларини улуғлайди, миллат тақдири учун ўзини масъул деб билади, фарзанд тарбиясининг шахсий иш эмаслигини тушунади, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилади.

Миллат равнақи йўлида бор кучини сарфлаб, келажагимиз чироғини ёқиб яшаётган аёлларидаги фаоллик хусусиятларини қадрламоғимиз жоиз. Чунки фаол аёл — энг масъулиятли ходима. Ўз ҳунари билан кўпчиликка ибрат бўлаётган она. Қизларини ҳунарпеша қилиб турмушга узатаётган жонқуяр бека. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашда худди шундай аёлларимизнинг ўрни катта.

Оилаларимиздаги ҳар бир қизни келажак сари тайёрлашда ўз улушимизни қўшайлик.

Дилором МУРОДОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси.

Санъатимиз фидойилари

ШУ ЮРТНИ ДЕБ ЯШАМОҚ КЕРАК



Бугунги саҳна асарлари кўпроқ қай мавзуларни қамраб олиши зарур? Миллий театрларимиз замонавий томошабинга керакли гапни топиб айтаяптими? Ҳозирги театрнинг ютуқлари, муаммолари нималарда кўринади? Таниқли актёр Зикир Муҳаммаджонов булар ҳақида доимо мулоҳаза юритади, куюниб сўзлайди, ютуқлардан севингани ҳолда муаммоларни дадил кўтариб чиқади. Мақсад эса битта — мустақил юрт театрининг ривожини таъминлаш, иқтидорли актёрларни камол топтириш, томошабин қалбига чуқурроқ кириб боришдир!

Миллий театр саҳнаси аслида не-не улуғ зотларни бағрида улғайтирган табаррук маскан. Севимли актёримиз бу даргоҳда узоқ йиллар санъат дарғалари билан елкама-елка туриб ишлади, ижод қилди, улардан юртга садоқатли, касбга муҳаббатли бўлмоқликни ўрганди. Кейинчалик ўзи ҳам юзлаб актёрларга устозлик қилди. «Мен оғир йилларнинг воқеаларига гувоҳ бўлдим, ҳамиша ижод машаққатлари билан яшадим, истиқлол кунларига етиб келдим, эндиликда юрагим шукроналик туйғуларига лиммо-лим, она юрт шаънини улуғлаётганлар қаторида эканлигимдан ғурурланаман!», — дейди Зикир Муҳаммаджонов.

Санъаткорлик ҳаёти ва иш фаолияти ҳақида менга ҳикоя қилиб бераркан, театр актёри сифатида шаклланишида ўзи туғилиб вояга етган хонадондаги ижодий муҳит катта роль ўйнаганини алоҳида таъкидлайди.

Таниқли актёр, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджоновнинг сўзларига қулоқ тутаман...

«Отам Фузулийни ўқирдилар»

У кишини маҳалламиздагилар Муҳаммад қори дейишарди. Анчайин ўқимишли киши эдилар. Навоий, Фузулий ғазалларининг мағзини чақиб, бизга дона-дона қилиб тушунтирарди. Онам Турдинисобегим эса лапару ўланлар айтишга уста эди. Қишнинг узоқ кечаларида сандал атрофида ўтириб, ота-онамиздан шеъру ғазаллар эшитардик. Театр биноси биз яшаётган Кўнчилик маҳалласига яқин жойлашганди. Ўша кезларда аёллар театрга паранжи ёпиниб киришарди. Онам завқи тўлиб-тошган ўта хушчақчақ аёл бўлгани учунми, театр томошаларига тез-тез бориб турарди. Болаларни театрга яқин йўлатишмасди. Эсимда, онам мени паранжиси ичига «бекитиб» бир неча марта томошаларга олиб кирганлар. Комил Яшиннинг «Тормор», «Ёндирамиз» пьесалари театр саҳнасида кўп қўйиларди. Мен ҳар гал театрдан қайтгач, ўзимни жуда бошқача ҳис этардим.

Айрилиш маҳалласида яшайдиган Раҳимжон тоғам ноғорани берилиб чаларди. Айниқса, Рамазон ойларида масжиднинг энг тепасига чиқиб ноғораси билан одамларни саҳарликка уйғотарди. Мен кўпинча шу тоғамнинг ёнида юрардим. Хуллас, санъат оламига кириб келишимга болаликдаги ҳавасим, яқинларимнинг эътибори, оиламиздаги ижодий муҳит сабабчи бўлган эди.

Ўттиз еттинчи йиллар

Ҳозирги Миллий университетнинг ишчилар факультети (рабфак)ни тугаллаганимда Маннон Уйғур мени театрга ишга қабул қилди. Ўша кезларда Аброр Ҳидоятовнинг «Аваз» пьесасидаги битта ролни менга топширишди, ёмон чиқмади шекилли, бу саҳнадаги фаолиятимга туртки бўлди. Театримизнинг етакчиси Маннон Уйғур ажойиб инсон эди, ролларни ҳам қойиллатиб ижро қиларди. Ёдимда, ўша йили Шекспирнинг «Гамлет» асари ўттиз кун қаторасига саҳнада қўйилган. Мен ҳам жуда қизиқувчан эканманми, шу томошани ўттиз марта кўрганман. Чўлпон, Усмон Носир ва бир қанча таниқли шахслар театрга тез-тез келиб туришарди. Улар Маннон Уйғурнинг хонасига йиғилишиб, алланимлар ҳақида куюниб сўзлашишарди, торгина хона тамаки ҳидига тўлиб кетарди. Бироқ ўша кезларда бу одамларнинг ҳаммаси бирданига кўринмай қолишди, кейин эшитсак, қатағон даврининг илк тиконлари мана шу инсонлар йўлига сочилган экан...

Саҳнада Навоий бўлдим

Урушдан кейинги йилларда Тошкентда Театр ва рассомчилик институти очилди. Маннон Уйғурнинг маслаҳати билан шу институтга кириб ўқидим. Олган билимларим ижодимни янгича йўналишга буриб юборди. Театрда катта-кичик роллар ижро этардим. Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаевлар менга устозлик қилишди. Олим Хўжаев эса ҳар бир ролимни яқиндан кузатиб, йўл-йўриқ кўрсатарди. Амир Темур, Беруний, Фурқат, Улуғбек ролларини маромига етказиб ижро этишимда шу инсоннинг ҳиссаси катта бўлган.

«Алишер Навоий» асари ярим асрдан кўп вақт ичида театримизда мунтазам қўйилди. Бу улуғ зотнинг саҳнадаги қиёфасини яратишим осон кечмаган. Унинг ички дунёсини очиб бериш учун ойлаб, йиллаб Навоий асарларини мутолаа қилганман. «Хамса»ни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Билмаганларимни сўраб ўргандим, кутубхоналарда юриб китоб варақладим. Улуғ шоиримизнинг образини яратгунимча унинг ҳар битта сўзи, ғазаллари замиридаги маъно-мазмун, ҳамма-ҳаммаси менга ёд бўлиб кетган десам, янглишмайман!

Она юртдан олисда...

Қарийб етмиш йилдирки, театр саҳналарида турли ролларни ижро этиб келаяпман. Бундан ташқари, кўплаб киноларда ҳам ўйнадим. Ҳиндистон, Туркия, Тожикистон киноижодкорлари билан ҳамкорликда яратилган элликдан ортиқ бадиий фильмларда образлар яратдим. Фильмни суратга олиш жуда мураккаб иш эканини илк бор кинода ўйнаганимдаёқ тушунганман. 1967 йилларда «Генерал Собир Раҳимов» фильми яратилди. Шу фильм суратга олинаётганда олти ой Болтиқбўйи мамлакатларида юрганмиз. Уйдан, юртдан олисда...

Кўпчилик мендан: «Хусусий киностудиялар томонидан ишланаётган фильмларга таклиф этишса, рози бўлмаётганмишсиз, бунга сабаб нима?», — деб сўрашади. Биласизми, баъзи бир сценарийлар менга маъқул келмайди, айрим ролларни эса ўзимга муносиб кўрмайман. «Келгинди куёв» фильмидаги ролга таклиф қилишди. Ўзга юртда она тупроғини қўмсаб яшаётган ватангадо қария образи эди у. Шунинг учун рози бўлдим. Ахир, бир умрлик соғинч ва армон билан чет элларда Ўзбекистонга илҳақ бўлиб яшаётганлар қанча... Бундайлар ҳақида ўйласам, «Азизларим, она юртни севинг, ардоқланг, сўнгги нафасингизгача шу юрт учун хизмат қилинг, шу юртни деб яшанг!», — дея ёшларга ҳайқиргим келади.

Фарзандларим эл хизматида

Ҳар битта оила ўзича бир мамлакат. Ўз анъаналари, яшаш тартиботлари бор. Менимча, жамиятни жисмонан ва маънан соғломлаштиришни ўйлаган одам, аввало, оиласи учун жон куйдиради. Мен оилани жуда муқаддас деб биламан. Қасбимга оид ишлар билан қанчалик банд бўлмайин, бирор лаҳза ўз оилам ташвишларини унутмадим. Ахир, фарзанд тарбияси нафақат онадан, балки отадан ҳам катта масъулият талаб этади. Ҳамиша яхши ота бўлишга ҳаракат қилганман. Умр йўлдошим Машҳурахон билан бир-биримизни асраб-эъзозлаб яшадик. Ўғил-қизларни улғайтириб, элга қўшдик. Ишда ҳам, оилада ҳам бир-бировимизни қўллаб-қувватладик. Бу кун барча болаларимиз элнинг хизматида, биз чинакам бахтли ота-оналармиз. Машҳур ёзувчи Лев Толстой: «Ўз оиласида бахтли бўлган киши ҳақиқий бахт эгасидир», — деган экан. Оила аҳиллиги, тинчлигидан муҳимроқ нарса йўқ дунёда. Маънан соғлом оилада маънавияти бутун авлод вояга етади, буни ҳеч вақт унутмайлик.

Драматургия янада ривожланса...

Ҳаёт машаққат ва курашлардан иборат. Шу иккисини енгиб ўтган одам қувончларга ҳам рўбарў келади. Файласуфлардан бири: «Курашиб яшайдиган киши баъзан ютқазади ҳам, аммо курашмайдиган киши аллақачон ютқазган», — деган экан. Муаммолар кўп... Масалан, яхши драматик асарлар нега кам деб ўйлайман гоҳида. Драматургияни янада ривожлантириш керакмикин... Тарихий шахслар орасида Нодирабегим, Зебунисо, Бибихоним сингари улуғ аёлларимиз борлигини биламиз. Қаранг, Бибихоним (Сароймулкхоним) нафақат соҳибқирон Амир Темурнинг завжаси, балки давлатни бошқаришда яқин кўмакчиси ҳам бўлган. Нима учун тарихда яшаб ўтган кўплаб зукко ва донишманд аёллар образларини саҳнага олиб чиқишга шошилмаяпмиз? Маҳалла ва оила қадриятлари акс эттирилган асарлар ҳам кам. Бирорта драматург шундай асарларни яратса-ю уни саҳнага олиб чиқсак, жуда соз бўларди-да! Ахир, республикада донг таратган талантли актёрларимиз кўп. Теша Мўминов, Эркин Комилов сингари етук актёрларга мослаб асарлар ёзилса дейман.

Анча-мунча муаммоларимиз борки, улар вақти келиб ижобий ечим топишига ишонаман. Чунки истиқлолнинг имкониятлари кенг, ишласак, қийинчиликлардан чўчимай фақат илгарига қараб бораверсак, театр иши ўз-ўзидан равнақ топиши шубҳасиз. Давр оғриқларини ҳис этиб яшаяпмизми, демак, ҳадемай мукаммал режиссура юзага келади, пишиқ-пухта драматик асарлар яратилади, театримиз томошалари дунё мамлакатлари саҳналарига олиб чиқилади!

Орзу-умидларнинг бори яхши, инсонга куч-қувват беради, қалбида ишонч туйғусини уйғотади. Бугунги кунда театримизга кўплаб ёш актёрлар кириб келаётир. Бариси иқтидорли, изланувчан. Уларга қараб улуғ актёрларимизни эслайман. Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева сингари машҳур актёрларнинг издошлари бўлишсайди шу ёшларимиз! Вақти келиб буларнинг ҳам улуғлик даражасига етишларини орзу қиламан. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Ҳақиқий актёрни меҳнату машаққат улғайтиради. Ижодий изланишларнинг меваси эса жуда-жуда тотлидир.

Озодликнинг қадрига етинг

Истиқлолга осонликча эришганимиз йўқ. Не-не талотўплар, қирғинлар ўтди. Кўплаб эл ўғлонлари бу йўлда қурбон бўлишди. Эслайман, Абдурауф Фитрат ўтган асрнинг йигирманчи йилларига яқин эълон қилган «Юрт қайғуси» асарида «Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ — менинг ўлимим, сенинг учун ўлмоқ тириклигимдур», дея ёзган эди. Ёшларимиз шуни билиб қўйишлари керакки, юртини жону дилидан севган одамгина шу юрт учун ҳар нарсага тайёр туради! Она юртни севишимиз ҳақида шунчаки гапирмайлик, балки шу севги юрагимизга олов бўлиб кирсин, бизни жасоратга ундасин!

Сўнгги ўн-ўн беш йил ичида қанчадан-қанча мўъжизаларга гувоҳ бўлдик. Назаримда, истиқлол вужудимизда «музлаб» қолган куч-ғайрат ва шижоатни ҳаракатга келтириб юборгандек. Миллий ғурур туйғуси қалбларимизни ёритди, «ўзимизники» деган сўзнинг салмоғини тўла ҳис қилдик, истиқлол шукронаси бизга янада кўпроқ илҳом бахш этмоқда. Ўзимда ёшлик куч-қувватини сезиб ишламоқдаман. Озод миллатимиз билан қанчалар фахрлансак, шунчалар оз! Яна битта нарсани алоҳида таъкидлашим лозим. Орамизда юксак иқтидор эгалари бор экан, юрт тобора қудратли бўлаверади. Зеро, озод мамлакат ҳамиша довруқли фарзандларига суянади.

Саодатли манзиллар томон илдам борайлик, азизларим.

...Санъаткорнинг суҳбатини тинглаётиб, шоирнинг машҳур сатрлари хаёлимдан ўтди:

Халқимга ҳеч нафим
тегмаган кунни,
Умрим ҳисобига
кўша олмайман!

Таниқли актёр, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов ҳамиша эл-юртига наф келтириб яшаётган инсон. Сийрати ҳам гўзал: камтарин, оддий, хушфеъл. «Бахтим шундаки, бир умр миллатимизнинг мард ва довюрак ўғлонлари қаторида бўлдим, улар сингари ибрат кўрсатиб яшашга интилдим», — дейди у.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Халқига наф келтириб яшаган кишининг ўзи ҳам эл-юрт ичида иззату ҳурмат қозонади. Умрим давомида бунга кўп марта ишонч ҳосил қилганман. Демакки, келажакка ёруғ юз билан боқсак, ёш давлатимизнинг тобора қад ростлаши йўлида фидойи бўлсак, озод юртнинг камолини ўйлаб яшасак, чинакам бахтга етишамиз. Менинг ёшларга айтар гапим шу.

Эл ардоғидаги актёр, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов суҳбатидан.

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Юртимиз истиқлолга эришган кун барчамиз учун энг улуғ, энг азиз айём. Ҳар йили бу байрам катта тантана билан нишонланади. Бугун ҳам қутлуғ айём арафасида турибмиз. Кўнгилда эртанги порлоқ келажакка умид туйғулари. Келажак эса шубҳасиз доно, билимли, кучли ёшлар, навқирон авлод қўлида.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мамлакатимиз кучли демократик жамият қуриш йўлидан қадам ташлаётган ҳозирги даврнинг муҳим масалаларидан биридир. Фарзандларимиз қалбида миллий қадриятлар, асрлар оша яшаб келаётган анъаналар, аждодлар босиб ўтган йўл тўғрисида маълумот, илму маърифат бўлсагина, уларнинг келажаги порлоқ ва нурафшон бўлади. Зеро, келажак бугундан бошланади. Бугунини ўйлаган инсоннинг эртанги ҳаёти ҳам яхши бўлади.

Вилоят партия кенгашининг «Ёшлар қаноти» билан ҳамкорликда ўтказган «Биз буюк юрт фарзандларимиз» мавзуидаги маънавий-маърифий учрашувимизда ҳам юқоридаги масалалар ҳақида сўз борди. Партиямиз фаоллари, бир гуруҳ ўқитувчилар ҳамда ёшлар иштирок этган бу тадбирда сўзга чиққанлар юртимиз тарихи ва бугуни ҳақида гапирдилар. Айниқса, мустақиллик йилларида эришилаётган ютуқлар, ватандошларимизнинг бунёдкорлик руҳида яшаётгани алоҳида таъкидланди.

«Ёшлар қаноти»нинг фаол аъзоси Мафтуна Жулибоеванинг сўзлари барчани тўлқинлантирди.

— Аждодларимизнинг қолдирган маънавий мероси ҳаммамизни фахр ва ғурур билан яшашга ундайди. Ёш сафдошларимиз иштирокида ўтаётган тадбирларда ҳам шу руҳ сезилади. Энг муҳими, тенгдошларимнинг фақат фахр-ифтихорга берилиб қолмай, ўзлари ҳам шундай эзгу ишларни қилишга уринаётгани, боболаримизга муносиб ворис бўлишга интилаётганлари мени қувонтиради. Иш режасига киритилган тадбирлар, учрашув ва мулоқотларнинг мазмун-мундарижаси ҳам шу тарзда янгиланиб борилаётир.

Чиндан, бугун сафларимизга янги-янги аъзолар, серғайрат ёшлар кириб келаётир. Улардаги шижоат, интилишни кўриб, қалбда янги орзу-умидлар, режалар туғилади. Ёшлар билан елкама-елка ишлаш кишига завқ бағишлайди. Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари, етакчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирарканлар, ёшларимиз, улар олиб бораётган фаолият ҳақида илиқ гаплар айтишди. Сафларимизнинг ёшлар, фаол аъзолар ҳисобига кенгайиши ишларимизнинг унумини янада оширади, дея бир овоздан таъкидладилар.

Шу куни партия сафларига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик билетларини топширарканмиз, улар «Миллий тикланиш»нинг муносиб аъзолари бўладилар дея ишондик.

Гулравза ЭРБЎТАЕВА,
ЎзМТДП Янгиер шаҳар кенгаши раиси.

Ислоҳот ва самара

Қизилтепа Навоий вилоятидаги қишлоқ хўжалиги ривожланган туманлардан ҳисобланади. Ҳудудда яшовчи одамлар ҳар йили самарали меҳнат қилиб, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшиб келаётир. Айниқса, тармоқда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар фермерлар фаолиятида яхши самара бермоқда. Ширкат хўжаликлари тугатилиб, ерлар фермер хўжаликларига бўлиб берилгани нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий ҳаётга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

ҚИЗИЛТЕПАЛИК ФЕРМЕР

Қизилтепада бўлганимизда туман ҳокими ўринбосари Нормурод Исоқов эришилаётган ютуқлар қаторида фермерлар эришган натижалар ҳақида ҳам фахр билан гапирди. Тилга олинган илғорлар орасида Носим Очилов ҳам бор эди. Суҳбатдошим унинг ютуқлари ҳақида алоҳида тўхталди. "Бўстон" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Тавоис қишлоғида ташкил этилган "Тавоис жавоҳири" фермер хўжалиги далалари туман марказига туташиб кетган экан.

— Ўтган йили бўлиб ўтган тендерда уч нафар талабгор орасида Носим ака ҳар томонлама лойиқ деб топилди, — дейди Н. Исоқов. — Ҳозида фермер хўжалиги аъзолари 54 гектар ерда деҳқончилик билан шуғулланишаётир. Н. Очиловнинг узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилгани, механик, муҳандис, бригадир бўлиб ишлагани, деҳқончиликда пухта тажриба орттиргани, қолаверса, уддабуронлиги ишни яхши йўлга қўйиб олишда қўл келди.

Носим акани суриштириб туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига бордик.

— Ерларнинг деҳқонларга берилгани яхши бўлди, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Ҳамза Бозоров. — Фермерлар даласини вақти-вақти билан айланиб турамиз. Юзи қуёшда қорайган, пешона тери билан элимизнинг дастурхонини баракали қилаётган деҳқонларни кўрганимда уларни замонамиз қаҳрамонлари дегим келади. Сабаби, стратегик аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо пахта хомашёсини етказиб беришда улар қорли-ёмғирли кунлару саратоннинг иссиғида ҳам тинмай меҳнат қилишади.

Коржома кийган бир кишини суҳбатдошим Носим Очилов деб таништирди. Унинг юз-кўзида шижоат, қатъиятни кўриб, менда суҳбатлашиш иштиёқи пайдо бўлди.

— Ҳар бир фермер аввало, режани пухта тузиб олмоғи керак, —дейди Носим ака. — Ана шундагина кўзлаган мақсади амалга ошади. Мўл ҳосил олиш — тинимсиз меҳнат қилиш демай, ҳомийлик ишларига ҳам бефарқ эмаслиги қувонтирди. У маҳалласидаги кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлини чўзишни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Шунингдек, қишлоқ фуқаролар йиғинидаги шароити оғир оилалар, боғчамактабларга ҳам байрам кунларида совға-салом билан бориб туради. Соф даромад ҳисобидан яқиндагина бир оилага бузоқ ҳадя қилинди, сил касалликлари касалхонаси қурилишига ҳам маблағ ажратди. У кишининг ҳомийлик ишлари ҳақида одамлардан эшитганларимни айтсам, савоб ишнинг овоза бўлмагани яхши, деди суҳбатдошим камтарлик билан.

Фермер хўжалиги учун ўтган йил синов йили бўлди. Баллачилик ва пахтачиликда кўзланган натижаларга эришилди. Жорий йилда эса 67,3 тонна бошоқли дон етиштирилиб, режа бажарилди.

Носим Очилов оиласи ҳам кўпчиликка ибрат. Уч фарзанд тарбияланмоқда. Турмуш ўртоғи қўли енгил ҳамшира. Оила аъзолари бўш қолди дегунча далага шошилади.

"Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", деган мақол бор. Носим акадек шижоатли, ҳалол, меҳнаткаш кишиларни кўрганда шу нақл ёдимга тушади. Бундай инсонлар қанча кўп бўлса, юртимиз янада обод, турмушимиз фаровон бўлаверади.

Б. ТЕМИРОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири. ®

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

БУХОРО ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

ёшларининг орзу-умидлари бир олам

Мамлакатимизда таълим тизимига катта эътибор бериляпти. Истиқлол йилларидаги замонавий андозаларда бунёд этилган коллеж бинолари юртимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу ўқув даргоҳларида таҳсил олиб, ҳунар ўрганган ёшлар турли соҳаларда халқимизга хизмат кўрсатмоқда.

Бундан беш йил илгари ташкил этилган Бухоро тиббиёт коллежини ўтган йиллар мобайнида кўплаб ёшлар тугатиб, бугун вилоятнинг турли ҳудудларида тиббиёт ходими сифатида фаолият олиб бормоқда.

Уларнинг кўпчилиги эса олий ўқув юртларига кириб, юқори малакали кадрлар бўлиб етишмоқда. Бу касб-ҳунар даргоҳида ҳар йили юзлаб ёшлар таҳсил олади. Ҳамшира ва акушер, фармаколог ва диагностика лаборанти сингари мутахассислар тайёрловчи ушбу коллежда янги ўқув йилига 1024 нафар ўқувчи қабул қилинди. Мавжуд 500 ўринли талабалар турар-жойи вилоятнинг олис қишлоқларидан келиб ўқийдиган ёшлар хизматида. Озодалиги, орасталиги ҳам ёшлар бу жойни ўзларининг иккинчи уйларидек кўришларидан далолат. Атрофдаги ободончилик талабаларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланаётганларидан дарак беради.

Ўқув-тарбиявий жараёнлар илмий асосда, замонавий педагогик технологиялар воситасида ташкил этилганлиги боис ҳам мазкур билим даргоҳи вилоятдаги элликдан ортиқ касб-ҳунар масканлари орасида мониторинг кўрсаткичларига кўра, пешқадамлик қилиб келади. Бунда, албатта, педагогик ва илмий кенгаш, кафедралар, ўқувчилар кенгашлари ҳамда тўгараклар фаолияти муҳим ўрин тутади. Олинаётган назарий билимларни амалиётда қўллаш, ёшларнинг ўз мутахассисликлари бўйича тажриба орттиришлари учун ҳам барча шароитлар мавжуд. Бу борада коллеж маъмурияти шаҳардаги тиббиёт институти, барча касалхоналар ва поликлиникалар билан яқиндан алоқа ўрнатган. Қувонарлиси, аксарият ёшлар амалиёт ўтаган муассасаларга ишга жойлашадилар. Ўқув даргоҳининг собиқ талабалари меҳнат қилаётган тиббиёт масканларидан келадиган раҳматнома ва ташаккурномалар ҳам коллеж маъмурияти ва устоз-мураббийлар томонидан қунт билан ўргатилган билим, сидқидилдан олиб бораётган фаолиятнинг маҳсулидир.

— Ёшларимиз эришаётган ютуқларда жамоамизда меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг ҳиссаси беқиёс, — дейди ўқув маскани директори, тиббиёт фанлари номзоди Ўлмас Очилов. — Сайёра Шамсуддинова, Холбиби Эргашева каби тажрибали устозлар ўқув-тарбия жараёнларини мазмунли ташкил этиб, талабалар меҳрини қозонган. Бу каби устозлар сафи кундан-кунга кенгайиб бораётгани қувонарли ҳол. Бу жамоанинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни уддалаш, таълим тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар асосидаги ишларни кенг қўламда олиб боришида катта аҳамият касб этади. Талабаларимизнинг одоб-ахлоқи, билим савияси бўйича мониторинг кўрсаткичлари ҳам вилоятдаги бошқа коллежларга намуна сифатида кўрсатишга арзийди.

Биз ўқув маскани фаолияти, эришилган ютуқлар билан танишар эканмиз, раҳбарнинг сўзлари бежиз эмаслигига гувоҳ бўлдик. Жамоанинг ўқув-тарбиявий жараёнларни ташкил этишдаги саъй-ҳаракатлари ёшлар ютуқларида ёрқин намоён бўлаётир. Масалан, Маҳлиё Аҳмедова «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг вилоят босқичида совриндорлар сафидан ўрин эгаллаган бўлса, «Иқтидорли ўқувчи» кўрик-танловида 11 нафар ўқувчи фахрли ўринларни эгалладилар.

Абдулазиз Очилов вилоят олимпиадасида кимё фани бўйича қатнашиб, совриндор бўлди. Ўқув даргоҳида, айниқса, спорт-соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Бунда коллеж волейболчи қизлар гуруҳининг кўрсаткичлари эътиборга лойиқ. Гуруҳ республика миқёсидаги нуфузли мусобақаларда фаол иштирок этиб келаётир. Умида Кўчқорова «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этди. Албатта, бундай талабалар билан коллеж ўқитувчилари, ўқувчилари ҳақли равишда фахрланадилар.

Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши азалдан саховатни улуғ билган юртдошларимиз кўнглини тўлқинлантирди. Бухоро тиббиёт коллежи ҳам бу борада қатор ишларни амалга оширди. Ўқишга қабул қилинган 4 нафар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси ва ўндан ортиқ кам таъминланган оилалар фарзандлари маъмурият оталиғига олинди. Талабаларнинг ташаббуслари ҳам диққатга сазовор. Улар тузган гуруҳлар шаҳарнинг турли ҳудудларидаги ёлғиз ва ногирон кексалар, меҳрга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиб, савобли ишларга ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. Мазкур жараён ёшларда касбий хусусиятларнинг тўғри шаклланишига ҳам ёрдам бермоқдаки, бу тез орада кенг жамоатчилик томонидан ҳам ўз эътирофини топди.

Ёшларни ватанпарварлик, юртга муҳаббат ғоялари асосида тарбиялаш порлоқ келажагимизнинг гаровидир. Коллеж жамоаси масъулиятни тўғри англаган ҳолда бу масалага катта эътибор билан қарайди. Турли маънавий-маърифий тадбирлар, кечалар ва учрашувлар навқирон авлод кўнглида Ватанга садоқат, фидойилик туйғуларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, яқинлашиб келаётган мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасидаги тайёргарлик ишларида бундай фазилатлар яққол намоён бўлаётир.

Эрта-индин коллежнинг ҳовли-ю йўлаклари нияти либосидек оқ талабалар билан тўлади. Бу даргоҳда улар тажрибали, меҳридарё устозларидан тиббиёт илми сирларини пухта ўрганиб, халқимиз хизматига бел боғлайдилар. Уларнинг орзу-умидлари бир олам. Биз эл саломатлиги йўлида жон фидо этишга тайёр мураббийларнинг, ёшларнинг сафи тобора кенгайиб бораверсин деймиз.

Бахтиёр ТЕМУР,
«Миллий тикланиш» мухбири. ®

ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ



Ҳайдовчилик соҳасида ишлаб, умрини инсонларнинг узоғини яқин қилишга бағишлаган, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб, кишилар дуосини олган Набихўжа Тошпўлатов рафиқаси Салтанат ая билан 5 фарзанд — икки қиз, 3 ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Ҳозирда бир-биридан ширин набира, эваралари қуршовида кексалик гаштини сурмоқда. Чилонзор туманидаги Мевазор маҳалла аҳлидан бу оила ҳақида сўраб қолсангиз, алоҳида ҳурмат билан таърифини келтиришади.

Суратда: 81 ёшли Набихўжа Тошпўлатов рафиқаси Салтанат ая билан.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Фармон ва ижро

ОИЛА КАМОЛИ УЧУН

Ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда устувор йўналишлардан биридир. Негаки, оилада камол топаётган навқирон авлод эртанги кунда давлатимиз қудратини оширишга, жамиятимиз равнақини таъминлашга хизмат қилиши керак. Бунда маънавий комилликка эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Статистик маълумотларга кўра, жорий йилда 208423 оила расмий рўйхатдан ўтган. Ўзаро келишмовчиликлар сабабли 15 минг оиланинг турмуши бузилган. Уларнинг 70 фоизини ёш оила ташкил қилади. 2,5 минг оила 24 ёшга тўлмаган келин-куёвлардан иборат. Уларнинг аксарияти ўрта маълумотга эга. Кўриниб турибдики, уларда ўзларини иқтисодий жиҳатдан таъминлашга эҳтиёж катта. Бинобарин, ёшларга барча шарт-шароитни яратиб бериш долзарб масаладир. Бу борада Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлди.

"Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши ҳамда республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил қилинган "Ёш оилалар – давлат ҳимоясида" давра суҳбатида ана шу ҳақда гап борди. Унда "Маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёш оилаларнинг мониторинги ва улар билан олиб борилаётган ишлар тўғрисида", "Тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилиши тартиби тўғрисида", "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилган солиқ имтиёзлари тўғрисида" ва мавжуд муаммоларни бартараф қилиш йўллари ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Туйғу

САБРНИНГ ТАГИ САРИҚ ОЛТИН

«Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил», — дейди доно халқимиз. Ҳаёт сўқмоқларидан борар эканмиз, турли-туман воқеа-ҳодисаларга дуч келамиз, ҳар хил инсонлар билан юзма-юз бўламиз.

Болалигимдан ён-атрофимдаги одамларни кузатишни, улар ҳақида хулосалар чиқаришни яхши кўраман. Нимаси биландир эътиборимни тортган, ёдимда қолган кишилар ҳақида ўша кунги таассуротларимни ёзиб қўйишга одатланганман.

Кўпинча кимдир бир оғиз гапи ёки биргина яхши иши билан бир умр ёдингизда қолиб кетади. Ўша куни эътиборимни тортган киши бошқалар каби гапиролмас, эшитиш бахтидан ҳам мосуво, бунинг устига қадам ташлаб юриши ҳам анча ноқулай, ҳуллас, ногирон бир одам эди. Унинг қаёққадир шошиб кетаётгани мени ўйлантириб қўйди. Йўлимиз бир бўлганлиги учун беихтиёр бу одамни кузата бошладим. Қарасам, масжидга кириб кетдилар. Намоз вақти яқинлашиб қолганди, мен ҳам уйга шошилаётгандим.

Кўпинча соғ-саломат бўла туриб ҳаётдан нолийлмиз, ўзимизни бахтсиз ҳис қиламиз. Арзимас бир нарса учун жонимизни ўтга-чўққа урамиз, турмуш ташвишлари билан бўлиб тонг отгани-ю, кеч кирганини пайқаймиз. Назаримда, бундай қилишимиз нотўғри. Тўғри, ҳамма вақт ҳам бир кам дунёда инсонга барча нарса етишмайди. Кўпинча кўнглимиз озор чекади. Шундай пайтда бир нарсани ўйласак, дилимиз таскин топади. Бу ҳам бўлса, соғ-саломатлигимиз, оёқ-қўлимиз бутунлиги, кўзимиз кўриб тургани-ю оёғимиз юраётгани, қулоғимиз эшитаётганидир.

Шуларни ўйлаб, бир воқеа ёдимга тушди. Қутлуғ байрамлардан бири арафасида пойтахтга боргандим. Шу куни хиёбон оралаб борар эканман, кўзим бир кучоқ анвойи гулларга тушди. Яқинроқ бориб қарасам, бир киши ногиронлик аравачасида ўтирибди. Аравачанинг орқа томонига гулларни тартиб билан жойлаштирган. Унинг байрам кайфиятини одамларга улашаётгани, энг муҳими, ногирон эканман деб ўтиравермай, бирор фойдали юмуш билан бандлиги мени қувонтирганди.

Бунга ўхшаш воқеаларга сиз ҳам гувоҳ бўлгандирсиз балки. Шундай пайтда нималарни ўйлаганингизни билмадиму мен ҳозиргина хаёлга ботганимдек, бу каби саломатлиги оғир одамлар бизга ибрат учун яратилган гўё. Уларга илож борича яхши гапирайлик, қўлимиздан келганича, имконимиз борича ёрдам берайлик. Зеро, сабру қаноатнинг таги сариқ олтин, дейди халқимиз. Нима бўлганда ҳам ношукр бўлмайлик. Дилимиздаги меҳру оқибат йўқолмасин ҳеч қачон.

Садоқат ҲАСАНОВА.

Бугуннинг гапи

НОННИ ЭЪЗОЗЛАГАН — ЭЪЗОЗ ТОПАДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг катта қисми организмида темир моддаси етишмаслиги жабридан азият чекмоқда. Масалан, Европа аҳолисининг 17, Американинг 34, Африканинг 73, яқин Ўрта Шарқ ва Тинч океани ҳудуди аҳолисининг 72 фоизида ушбу муаммо мавжуд.

Юртимизда 2001 йилдан бошлаб темир моддаси танқислигига барҳам беришга киришилди. 2003 йилда унни темир моддаси ва бошқа микроэлементлар билан бойитиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди.

Ҳозир "Ўздонмаҳсулот" компаниясининг 44 та ун корхонаси ва 6 та хусусий тегирмон қайта жиҳозланган. Унни бойитиш бўйича зарур витаминлар ва минераллар келтирилди. Юртимизда йилига 1,9 миллион тоннагача унни бойитиш йўлга қўйилди. Бу 90 фоиз аҳолини тўла таъминлаш имконини беради.

"Нега ун ўрнига ўсимлик ёғи ёки сариёғ эмас, туз ёки шакар эмас?", деган савол туғилиши мумкин. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бунинг сабаби аён бўлади.

Дарҳақиқат, нонимиз истибдод йилларида кемтик эди. Истиқлол туфайлигина нонимиз бутун, насибамиз миннатсиз бўлди. Ҳа, ўзбек ноннинг қадрини билади, унинг урвоғини ҳам исроф қилмайди. У ногоҳ ерга тушиб қолган бўлса, дарҳол олиб ўпади, кўзига суртади ёки баландроқ жойга олиб қўяди. Айтиш мумкинки, халқимизнинг ана шу қадриятлари яна бир карра эъзозланди, уннинг бойитилиши ноннинг қадрини унутмаслигимиз кераклигини эслатди. Бу бободеҳқон меҳнати ҳамиша муносиб баҳоланиши лозимлигини ҳам амалда исботлади.

— Яқинда қўшниларимдан бири тўй қилди. Ярим тунгача ўйин-кулгу, кўй-қўшиқ давом этди. Эртаси куни ҳам бу ердан одам қадами узилмади. Қўшничилик, унинг уйига чиқдим. Не кўз билан кўрайки, бурдаланган нонлар сўрида уюлиб ётибди, — дейди ургутлик Насим бобо. — Йўқчиликни кўрган эмасманми, кўз ўнгим қоронғулашиб кетди. Ёшлар ўйин тушишган майдонга улоқтирилган нон бўлаклари нам тупроққа қоришиб, ерга сингиб кетибди. Ҳай-ҳайлашларига қарамай уларни териб олдим. Мол-ҳолига берайин деб молхона томонга ўтдим. Бекор ўтган эканман. Бу ердаги охурларда ҳам ҳисобсиз нон бўлаклари турли таомлар чиқитлари билан қоришиб ётарди. Ўзимни тутиб тура олмадим. Тўй эгасини койидим. Отасининг бир тутам бошоқ учун раиснинг калтагини еганини, қамчи зарбидан боши ёрилганлигини эслатдим. У эса: "У замонлар ўтиб кетди-ку, бобо", — деди хотиржамгина. Во дариғ, наҳотки, инсон кечаги кунини шунчалар тез унутса? Ахир, бу бориб турган худбинлик-ку! "Ҳайф, сендайларга", — деб чиқиб кетдим.

Насим бобонинг куюнганича бор. Яқингинада нон етишмаслиги ваҳимасига тушиб турганлар бугун ношукрлик қилишмоқда. Қотган нондан фойдаланишни ор билишади, болаларини ҳам шу руҳда тарбиялашади.

Ўзларини маданиятли деб ҳисобловчиларнинг айримлари нон қанчалар меҳнат, қанчалар заҳмат ва қанчалар сарф-харажатлар эвазига ҳосил бўлаётганини билмайди.

Мен Самарқанд шаҳридаги маҳаллаларда бўлганимда кўчаларда, гаражлар оралари, ҳатто айтишга тил бормайди, ахлат уюмларига улоқтирилиб юборилган нон бўлакларини, сели бироз қочган бутун буханкаларни ҳамон кўраман. Вақтида деҳқончилик қилиб, буғдой етиштирганим учун бу меҳнатнинг заҳматини биламан. Қишда ғалла майсаларини суғоришнинг ўзи бўлмайди.

Энг азиз удумларимизнинг нон билан вобасталиги ҳам бежиз эмас. Атиги бундан 16 йил аввалги аҳволни бир эслайлик, ўшанда юз бериши мумкин бўлган фалокатларни бир тасаввур қилайлик. Иттифоқ парчаланган, пахта яккаҳокимлиги даврида Ўзбекистон деярли ғалласиз эди. Мамлакатимиз раҳбари бошчилигида аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш сиёсатимиздаги бош масалалардан бирига айланди.

Шукрки, республика аҳолиси бундай хатардан омон ўтди. Шу қисқа йиллар мобайнида кўпчилик шубҳа билан қараган натижага — Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришдик. Бу шунчаки айтиб қўядиган жўн хабар эмас, тарихий воқеадир. Бу бизнинг ҳар куни, ҳар жойда эслашимиз, айниқса, ёшларнинг қулоғига қуйиб туришимиз лозим бўлган ҳикматдир: нонни эъзозланг! Нонни қадрланг! Темир моддаси билан бойитилган ун — саломатлигимиз гарови, миллат келажагининг асоси эканини унутманг!

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бу йил нарпайлик ғаллакорлар давлатга 16 минг тонна сара дон топширдилар. Ҳар гектар майдондан 52 центнердан ҳосил олинди. Ўн беш йилдан бери туманда ана шундай ғалабаларга эришилмоқда. 750 фермер дон етиштириш билан шуғулланаётган бўлса, уларнинг кўпчилиги 55-60 центнерлик натижаларни қўлга киритяпти.

Ҳозир "Ўздонмаҳсулот" компаниясига қарашли Самарқанд вилоятидаги барча корхоналар ва уларнинг филиалларида иш қизғин. "Оқтошдон" очиқ акциядорлик жамияти корхонаси бир кеча-кундузда 110 тонна маҳсулотни қайта ишлаш имконига эга. "Самарқанддон", "Жомбойдон" очиқ акциядорлик жамиятларидаги имкониятлар ҳам катта. Муҳими, ушбу корхоналардан чиқаётган уннинг салмоқли қисми биринчи навли, темир моддаси ва бошқа зарур моддалар билан тўйинтирилган.

Бойитилган, яъни фолий кислота, темир, рух ва витаминлар билан тўйинтирилган ундан нон ёпилганда ёки бошқа таомлар пиширилганда 95 фоизгача озуқавий қувватини сақлаб қолади. Маълумотларга кўра, жаҳондаги 189 та мамлакатдан атиги 48 тасида ун бойитиларкан. Улар сафида Ўзбекистон ҳам бор. Биз эса мустақил давлатимизда миллат келажаги, ёшлар камолоти учун қанчалар қайғурилаётганини англаб етишимиз, нондек азиз неъматни қадрлашимиз зарур.

"Нонни эъзозлаган — эъзоз топади", деган ҳикмат беҳудага айтилмаган. "Нонни хор қилган кўр бўлади", деган гап ҳам ҳар қанча аччиқ бўлмасин, бор гап.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

ИЖОДКОРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўтган якшанба куни ёзувчилар- нинг Бўстонлиқдаги дала-ҳовлисида севимли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллигига бағишланган анъанавий шахмат турнири бўлиб ўтди. Мустақиллик байрами арафасида ижодкорлар ўртасида ўтказиладиган бу мусобақа устоз Озод Шарафиддинов ташаббуси билан ташкил этилгани мухлисларнинг ёдида бўлса керак. Аввалги турнирларда Озод акани- нинг ўзи ҳам иштирок этган эди. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, ҳамкасбимиз Асрор Мўмин икки мартадан ғолиб бўлишган. Турнир иштирокчиларига Рустам Қосимжонов икки бор табрик йўллаган.

Ўттизга яқин ижодкорлар иштирок этган бу йилги беллашувларда бу қадим ўйин тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшиладиган фавқулодда янгиликлар кашф этилмаган бўлса-да, анча-мунча ғаройиб воқеа-ҳодисалар юз берди. Чунончи, баъзи ўйинчилар расмий турнирлар пайти ўйламайнетмай хато юриб қўйиб, сўнг орқага қайтиш мумкин эмаслигини негадир унутиб қўядилар.

Ҳакамлар бу тўғрида турнир иштирокчиларини, томошабинларни қайта-қайта огоҳлантиришларига қарамай, баъзилар ўз сўзларида қатъий туриб олган пайтлари ҳам бўлди. Уларнинг фикрича, қурувчилар бирор бир жойда ғишт тераётган бўлсалар, янги урилган деворнинг бир қисмини бузиб, бемалол қайта уришлари мумкин. Бўёқчилар ҳам шундай — аввалига деворга очроқ ранг бериб кўришади, ёқмаса, бошқасини суришади. Ижодкорлар-чи, кечаси билан ёзишади, эрталаб ўқиб кўриб, "Оббо, яна расво нарса бўлибди-ку", — дея бутунлай бошқатдан ёзиб чиқишади. Хўш, нега энди шахматда орқага қайтиш мумкин эмас экан? Орқага қайтиш чекиниш дегани эмас-ку. Ҳақиқий ҳужумчи ҳуда-беҳудага ўзини олдинга ташлайвермайди, пайт пойлаб туради. Орқага тисарилиб туради, кейин бир ҳамла билан рақибини енгади. Оламшумул жанглар тарихида бундай ҳолатлар жуда кўп содир бўлган.

Бу нарса, эҳтимол, кейинги турнирлар чоғи инобатга олинар, аммо ҳозирча олдириб қўйилган сипоҳларни қайтариб олишга бўлган уринишларнинг барчаси бефойда кетди.

Ўйинларга тўхталадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси шиддатли кечди. Иброҳим Ғафуров, Шодмон Отабек, Сувон Мели, Саъдулла Ҳаким, Шоҳайдар Мирҳабибов ва бошқалар рақибларига қарши дона суришда маҳорат намуналарини кўрсатиб, турнир жадвалининг юқори поғонасидан жой олдилар. Иброҳим ака ғолиб сифатида «Ҳимолай-Ўзбекистон» қўшма корхонасининг бош совринига эга бўлди. Дарвоқе, «Миллик тикланиш» газетаси собиқ муҳаррирининг ҳамкасбимиз Асрор Мўмин билан бўлган учрашуви ҳамда адабиётшунос олим Сувон Мелининг номдор шахматчи Акром Тошхўжаев билан баҳси турнирнинг энг яхши ўйинлари деб топилди.

А. ОҒАЛИЕВ.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Ибратли ҳикоя

ОҚИЛА МАЛИКА

Шоира Нодирабегим билан Амир Умархоннинг ораларидан гап қочади-ю сархуш ҳолатда бўлган хон: «Керакли нарсаларингизни олиб Андижонга кетинг», — деб юборганини билмай қолади. Зийрак малика ақл билан иш тутади. Ширакайф ҳолда ухлаб қолган Умархонни аравага ётқиздиради-да, Андижонга йўл олади. Манзилга етай деганда хон ўзига келади ва маликага «бу не ҳол» дейди. «Керакли нарсаларингни олиб отангникига кет, дедингиз. Сизнинг амрингиз вожиб, ҳазратим! Менинг ёлғиз керагим ўзингиз, мана, олиб кетаяпман», — дея лутф қилади Нодирабегим. Ноилож қолган Умархон отнинг жиловини Қўқонга бурдирган экан.

Жаҳон ҳафта ичида

Довул таҳдид солмоқда

Айни пайтда Тинч океанида довуллар мавсуми бошланди. Ҳозирда Мексиканинг Ютакан ярим оролига «Дин» довули тобора яқинлашиб келмоқда. Ҳалокатнинг олдини олиш мақсадида мамлакатда шошилинч чоралар кўрилмоқда. Ярим оролда армия ёрдамида 700 та довулдан сақланиш иншоотлари тикланди. Аҳолининг асосий қисми хавфсиз жойларга кўчирилди. Биргина Petroleos de Mexico миллий нефть компанияси 18000 ишчисини эвакуация қилди.

Маълумотларга қараганда, довулнинг тезлиги 257 километр-соатни ташкил этиши мумкин. Довул туфайли Канадада расмий сафарда бўлган Мексика президенти Фелипе Кальдерон ташрифини муддатидан олдин тўхтатиб, ўз мамлакатига қайтиб келди.

Президент сайлови

Туркия парламентида мамлакат президенти сайлови бўлиб ўтди. Конституцияга биноан, Туркия президентини парламент сайлайди. Кузатувчилар Туркия ташқи ишлар вазири Адбуллоҳ Гулни президентликка асосий номзод дея эътироф этишаётганди. Лекин у биринчи турда зарур бўлган 367 овозни тўплай олмади. Депутатларнинг 341 нафари унинг номзодини қўллаб-қувватлашди. Иккинчи номзод Сабаҳаттин Чақмоқ ўғлига 70 нафар депутат овоз берди. Қолган номзодлар эса ундан ҳам кам овоз тўплашди.

Сайловнинг иккинчи тури шу йилнинг 24 август куни бўлиб ўтади. Бу турда ҳам 367 овоз тўплаган номзод президентликка сайланади. Ҳеч ким шунча овоз тўплай олмаса, учинчи тур сайловлари бўлиб ўтади. Унда иккинчи турда энг кўп овоз йиққан икки номзод иштирок этади ва кўп овоз тўплаган номзод президент бўлади.

Жиноятчиларни қайта тарбиялаш учун

Бразилияда жиноятчиликка қарши курашиш учун ҳукумат 3,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди. Мамлакат раҳбари Луис Инасиу Лула да Силванинг таъкидлашича, кураш жамият хавфсизлиги умуммиллий дастури доирасида олиб борилади.

Дастурда белгиланишича, 2012 йилгача 400 минг нафар ёшлар, жумладан собиқ маҳбуслар моддий ёрдам олади ва ишли бўлади. Шунингдек, маҳбуслар ишлаб, билим оладиган 160 та махсус қамоқхона қурилади. Асосий эътибор жиноятчилик авж олган 11 та шаҳарга қаратилади. Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар маълумотларига қараганда, йил бошидан буён биргина Рио-де-Жанейро шаҳрида уч минг нафардан кўпроқ киши жиноятчилар қўлида халок бўлган.

Роль ижро этишаётганди

Айни пайтда Германия пойтахтида «Валькирия» фильмини суратга олиш ишлари давом этмоқда. Машҳур актёр Том Круз ҳам мазкур фильмда бош роллардан бирини ижро этаяпти. Куни кеча фильмнинг навбатдаги эпизодини суратга олиш жараёнида ҳалокат рўй берди. Юк машинасида кетаётган актёрлар бурилишга келганда борт синиб кетиши оқибатида ерга йиқилиб тушишди. Оқибатда 11 нафар актёр тан жароҳати олди. Шифокорларнинг сўзларига қараганда, бир актёрнинг аҳволи оғир.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳаёт сўқмоқларида

Ҳувиллаган ҳовли-жой. Ҳовлининг бир бурчагидаги ошхонада дўппили бир киши шошиб-пишиб овқат пишираяпти. Уйига меҳмон келган. Икки йилдирки шу аҳвол. Хотини уйига аразлаб кетганига шу ойнинг ўн олтинчисида икки йил бўлади. Бошқа кунларку кўчада овқатланиб қўяверади. Меҳмон келиб қолса, баъзида яқин жўралари отамлашгани келса ошхонада куймаланиб қолади.

«ҚИЗИНГНИНГ КЎЗИДА ОТА МЕҲРИ ЕТИШМАЙДИ»

Ҳозир ҳам шошиб-пишиб ошга уннаяпти. Ёғ қизиб кетган эканми, ўт олдириб юборди. Газ плитаси устидаги қозонни бир четга олиб қўйди-да, қолган уч-тўртта сабзини тўғрашга киришди. Ўртоғи дўконга чиқиб кетган. Шунгача ошнинг зирвагини солиб қўяй деганди.

Пешонасидан оқиб тушган терни елкасидаги оппоқ рўмолча билан артди-да, қозонни яна оловга қўйди. Рўзғор ишига анча ўрганиб қолган қўллари ҳаракатда-ю, хаёли жойида эмас. Учқур хаёллари елиб-югуриб гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа бориб-келади. Бир қайнонасиникида тирик етим бўлиб ўтирган тўртта фарзанди кўз олдида гавдаланади. Бир уларнинг бор ташвишини елкасига олган мағрур аёли. Мағрур бўлмаса, яраша қолса бўлмасмиди. Шуларни ўйласа, унинг дили хуфтон бўлади. Кўз ўнги қоронғулашиб кетади. Унга ҳам осон эмас. Маҳалла-кўй орасида юрган узун-калта гап-сўзлар жонига теккан. Ўтган ҳафта маҳалланинг катталари билан қайнонасиникига, хотини билан болаларини олиб келгани боришганди.

Ўша кунни эсласа, бир жаҳли чиқади, бир кўнгли юмшайди яна. Жаҳли чиққанига сабаб — муаллима, тушунган аёли ярашмайман, деб туриб олди. Нахотки, у тушунмаса, бўйи етиб қолган ўғил-қизларининг ичидан нималар ўтаётганини. Аввалига индамай турди, охири чидолмади, бугун уйга кетмасанг, бошқага уйланаман, деди аччиқ устида. Уйланса-нгиз уйланаверинг, судда ажралишган бўлсак, уй-жойга даъвойим йўқ, деган совуқ-қина жавобни олгач, қайнонасининг ҳай-ҳайлашига қарамай, етаклаб борган одамларини бошлаб дарвозадан чиқиб кетди. Шу воқеадан кейин ҳам кўнгли юмшаганига сабаб — қайнонаси бу сафар ярашшларига рўйхушлик берди. Қизига ҳам анча насиҳат қилди. "Болаларингни тирик етим қиласанми? Агар менинг қизим бўлсанг, уйингга қайт. Ҳар нарсанинг ҳам чегараси бор. Кеча отанг раҳматли тушимга кирибди... Сен тинч бўлсанг, мен ҳам тинчгина оёғимни узатиб..." Онасининг гапи оғзида қолди. Нигора нима, уйдан ҳайдаяпсизми, майли, унда ижарада яшай қоламиз, деб кўз ёши қилди.

Шунча гап-сўздан кейин ҳам бошқага уйлангиси йўқ. Болаларини кўзи қиймайди. Нигора бўлса кейинги пайтда бир одат чиқариб олди. Ҳафтада бир бозор-ўчар қилиб, болаларини кўргани борганда уларни кўрсатмайди. Яқинда хотини ишлайдиган мактабга борди. Болалари билан учрашди, гаплашди. Аёли бундан хабар топиб жанжал кўтарди. Жаҳл чиққанда ақл кетади, дейдилар. Шу куни орадан анча совуқчилик ўтди яна. Бундай яшаб бўлмайди, ахир, нимадир қилиш керак. Одам ҳам ўз ҳаётига шунча бепарво бўладими!

Ойбек ака шу хаёлда эртаси куни яна мактабга борди. Аёли дарсда экан. Чақиртирди, чиқмади. "Тавба, қиз болага ўхшаб ноз қилади-я, жаҳл қилади яна. Нима, эри бўлсам, чиқақолса биров бир нарса дермиди. Ё мен билан яшагиси йўқми?", деган хаёлга ҳам борди. Дарс пайтида индамай синфхонага кириб бораверай деса, яна хижолат тортади. Бундай қилиш иккаласига ҳам яхши эмас. Нигора яна жаҳл қилса, ўқувчиларнинг олдида бир нарса деб юборса, ёшларнинг олдида обрўйи тўкилади.

Уйлайверса ўйи тугамайди. Бундай яшаш ўзиниям жонига тегди. Нахотки, Нигора мазза қилиб тинчгина яшаётган бўлса?! Уям ўйлар. Ўйламай нима қиларди. Онасиникида тўртта боласи билан — беш жон яшаши осонмасдир. Айтадилар-ку, чиққан қиз чиғириқдан нари, деб. Нима бўлгандаям, энди хато қилмасликлари керак. Бошқага уйланиб нима қилади. Яхши яшаган пайтларини эсласа, анча хотиржам тортади. Тўғриси, улар жуда бахтли яшашарди. Кўпчилик уларга ҳавас қилганини яшириб ўтирмасди. Шундай пайтда у қувониб кетарди. Ўзини ҳаммадан кўра бахтли ҳис қиларди. Бу уйда ҳам баланд-паст гаплар ўтган. Ора-сирада жанжаллашиб туришарди. Нигоранинг арази ҳам узоққа чўзилмасди. Ошиб борса уч-тўрт кун қовоқ-тумшуқ қилиб юрарди. Кейин яна рисоладагидек яшайверишарди.

Оловни пастлатиб қўйдида, ошхонадан ташқарига чиқди. Яна хаёлга берилди. Шу ҳайҳотдек ҳовли икки ўғлига қолади-да. Оз эмас, кўп эмас, қирқ саккизга чиқибди. Унга яна нима керак, шу ёшда эр-хотин аразлашиб юришлари ҳам қулгули. Ҳадемай катта қизи мактабни битиради. Болаларининг тақдири нима бўлади? Шу саволни ўзига ўзи берди-ю ўзидан хафа бўлиб кетди. Энди ўйлаяптими буни? Аввал хаёли қаёқда эди?! Турмушлари дарз кетиб, энди кўзи очилдими? Юраги сиқиб, ўзини яна безовта сезди. Етар, бошқа ўйламайди. Яна таваккал қилиб хотинининг олдидан бир ўтади. Бу сафар аччиқ қилмайди, очиқчасига гаплашиб олади.

Дарвозадан келаётган ўртоғи ҳовлига кўрк бериб турган гулу райҳонларга қараб гап бошлади:

— Тоза қўли гулсан-да, ҳовлингга кирган одамнинг баҳри-дили очилади. Ҳамма нарса тартибли, аёли йўқ уйгаям ўхшамайди. Нигорани кеча кўчада кўргандим, кичкина қизинг билан келаётган экан. Ўша қизинг билан иккинчи қизим синфдош. Қизим билан уст-бош олгани бозорга чиққандик. Морожний олиб берасиз, деб қолди. Қизинг билан қизим сўрашишди. Қизингни кўзига қарадим, ота меҳри етишмайди... Барибир отанинг ўрни бошқа-да.

— Менгаям шундай юриш ёқади деб ўйлайсанми? Олдинги ҳафтада ишхонасига боргандим, гаплашмади. Буям етмагандек, болаларимни кўрсатгиси келмайди.

— Айтганча, судда ажрашгандинглар шекилли, бошқага уйланиб қўяқол.

— Шу гапни ўзинг айтяпсанми? Ҳозир нима дегандингу энди нима деяпсан? Болаларимни кўзим қиймайди. Ярашмоқчиман!

— Унда ярашда-қўй. Нима қиласан, ўзингниям, уларниям қийнаб.

— Синган буюмни бутлаш осону дарз кетган турмушни бутлаш қийинга ўхшайди. Эскилар бекорга айтмас экан, сўнгги пушаймондан фойда йўқ, деб. Менам тоза таъзиримни едим. Нима, ўттизга чиққан йигитмидим уйланадиган. Юрагим безовта қилиб туришини биласан, одамнинг оиласида тинчлик бўлмаса ишидаям, яшашидаям ҳаловат бўлмайди. Жаҳлим чиқса, отамниям танимай қоладиган одатим бор. Уям тушунса бўлади, доим урушиб қолсак, ярашиб кетардик. Бу сафар нима бўлди, билмадим.

— Эртага бориб бир гаплашсакмикин, нима дейсан?

— Ким билан, яна қайнонам биланми?

— Қайнонанг рози бўлибди-ку, хотининг билан гаплашиб оласан-да!

— Нима дейман?

— Болаларимни етим қилмайман, дейсан. Яшагиси келса, қайтиб келади. Мана, кўрасан, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши, дейдилар-ку!

— Билмадим. Шунча гапдан кейин... Яна бир оз вақт ўтса ҳаммаси ўрнига тушиб кетар. Ўйлаб кўрар ўзиям. Тўртта боласи билан бошқа турмуш қилармиди. Тўғриси, шуни ўйлаб, бошқага уйлангим келмайди.

* * *

Нигора ҳам бир аҳволда ошхонада овқат пишираяпти. Боя пиёз тўғраётганда йиғлаб олди. Кўзига ёш келсаям бошқа пайтда бировга кўрсатмайди. Ўзини мағрур тутади доим. Ўқувчилар таътилга чиқишди, имтиҳонлар ҳам тугади. Энди кўпроқ уйда бўлади. Уй ютиб юборай дейди одамни. Ишга борган кунлари анча осон ўтади. Бир пайтлар ўзи орзу қилгандек уруш-жанжалсиз, тинчгина турмушга етишди ҳам мана! Мана энди судга ариза бериб хато қилганини тушуняпти. Лекин бир ўйлаб қараса, алоҳида яшашгаям кўникиб қолибди. Нима бўпти, ҳадемай ўғлини уйлантиради. Келинли бўлади. Бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун барака кетади, дейди катталар. Турмушлари жанжалсиз ўтмасди. Ҳозир бўлса, тинчгина яшаяпти. Худога шукр қилади, ойлиги озми-кўпми яшашларига етиб турибди. Онасидан, ака-укаларидан пул сўраётгани йўқ.

Бировнинг ёрдамига муҳтож эмас. Лекин барибир нимадир етмайди. Кунда бўлмаса кунора кўча-кўйда кимдир ойласи ҳақида гапириб қолади. Шунда юраги эзилади, уйига қайтгиси келади. Акалари алоҳида уйда яшашади. Бу каттагина ҳовлида икки укаси билан келинлари, жиянлари бирга туришади. Келинлари ҳам яхши, ортиқча гап-сўз йўқ. Болалари катта бўлиб қолган, қўлидан ишини олади. Қизлари уйда бўлса уни овқат қилгани қўярмиди. Ҳозир улар холасиникига меҳмонга кетишган. Катта келини туғруқхонада, яқинда ўғилли бўлди. Кичкина келини ўғли билан уни кўргани кетган. Шулар баҳона бўлиб ошхонада куймаланиб юрибди.

Ўтган ҳафта уйига қайтса бўларди. Лекин бир нарсани ўйлади, ахир судда ажралишган-ку! Шунча гап-сўздан кейин янгидан ҳаёт бошлаш, яна ЗАГС идорасига бориш... шуларни ўйласа, ўзидан уялиб кетади. Барибир, бу юришлари ҳам бўлмайди. Эри чиндан ҳам уйланса-я! Уйланса уйланибди. Ҳа, нима бўпти, шундай яшайверади. Болалари бор, ёлғизланиб қолмайди. Энди қайта турмуш қурмайди. Ҳеч қачон бундай қилмайди. Қайси юз билан бундай қилади, ахир. Лекин эри уйланса индамай қараб турaверадими? Ўзини ўзи қойиди. Индамай, болаларини олиб уйига қайтиб кириб бораверай деса, бунгаям ғурури йўл қўймайди. Хурмати оёқ ости бўлиб қоладида. Кейин орадан гап-сўз ўтиб қолса, боши эгик бўлади. Нима, унга шу керакми? Бундан кўра ўзи тинчгина яшагани маъқулмикин?..

Гули ОЛИМОВА.

РЕНТГЕННИ КИМ ИХТИРО ҚИЛГАН?

Ҳозирги кунда рентген асбоблари сиз тиббиёт соҳасини тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон танасининг ички аъзоларида учрайдиган кўп касалликларни аниқлашда ва уларни даволаш учун ташхис қўйиш жараёнларида бу тиббиёт воситаси жуда қўл келади.

Хўш, бу қурилма ким томонидан яратилган?

Вилгельм Конрад Рентген 1845 йили Германиянинг Линнеп шаҳрида таваллуд топган. 1868 йили Цюрих политехникумини тамомлаб, 1871-1879 йиллари Страсбург университетида ишлаган. Сўнг тўққиз йил давомида Гиссен университети профессори ва физика институти директори лавозимида фаолият юритади. 1894 йилдан шу университет ректорлигига сайланган. У 1895 йили ўз номи билан аталувчи нурларни кашф қилган ҳамда уларнинг физикавий ва кимёвий хоссаларини тадқиқ этган. 1896 йилдан Берлин Фанлар академияси мухбир аъзоси бўлган. Олим 1923 йили вафот этган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, катод электрон трубкалари ёрдамида тадқиқотлар ўтказиш кенг йўлга қўйила бошланди. Кўп тадқиқотчилар шу трубкаларга яқин турган фотомаҳсулотлар тез қуйиб қолишини пайқаганлар. Лекин бу нарса кўп физикларнинг эътиборидан четда қолган. Бу физик ҳодисани ўрганишга биринчи бўлиб Вилгельм Конрад Рентген бел боғлади.

Рентген нурлари кўзга кўринмайдиган электромагнит нурланишидан иборатдир. Кўзга кўринувчи ёруғлик нури ўта олмайдиган баъзи моддалардан бемалол ўта оладиган бу ғаройиб нурлар тезлашган электронларнинг моддадаги секинлашувида ёки уларнинг атом ташқи электрон қобиқларидан ички қобиқларига квант ўтишлари жараёнида ҳосил бўлади. Ушбу нурларни кузатиш ва ўрганиш бўйича биринчи ижобий натижалар 1895 йилнинг ноябрь ойида олинди. Бир ойдан сўнг эса илмий изланиш ютуқлари тўғрисидаги дастлабки хабарлар эълон қилинди.

Олимнинг аҳоли учун битмас-туганмас наф келтирувчи бу кашфиётидан ташқари, физика фанининг ривожига улкан ҳисса бўлиб кирган магнетизм ҳамда кристалларнинг пьезо ва пироэлектрик хоссаларини ўрганиш бўйича чоп қилинган илмий ишлари ҳам илм аҳлига яхши маълум.

Хориж матбуоти асосида Адибахон ҒАЙРАТ қизи тайёрлади.

Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри тартибга солиш Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан фуқаро Мусабеков Фарҳод Вохобович номига берилган № 4726165 рақамли ер кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ИИБ томонидан хусусий тадбиркор "AKRAMOV OLIM ANVAROVICH" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри Учтепа тумани 81 — ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Туланова Моҳира Анваровнага берилган AN542863 рақамли тўққизинчи синфни битирганлик гувоҳнамаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный аттестат U № 2867195, выданный на имя Жураховой Дилнавоз Дадахон кизи школой №20 Юкори Чирчикского района Ташкентской области в 2007 году считать недействительным.

Утерянный диплом НТ-1№ 215858 (рег. № 6654), выданный на имя Суровцова Юрия Александровича Ташкентским Гидрометеорологическим техникумом 29.06.1990 году считать недействительным.

ООО «VENTILYATSIONNIK» сообщает о преобразовании общества с ограниченной ответственностью в дочернее предприятие «VENTILYATSIONNIK» ранее зарегистрированное в хокимияте Хамзинского района № 07-000938 от 3.12.2003 г.
Претензии принимаются в течение месяца по тел. 290-42-71.
Адрес: Хамзинский район, ул. Зебо Шамсуддиновой, дом 18.

ЧП «Sparta Media» Шайхантахурского район г. Ташкента преобразуется в ООО «Sparta Media». Претензии принимаются по тел: 144-27-07.

ООО "SARBON AVTOULOV" Учтепинского района г. Ташкента (ИНН 205062223) сообщает об уменьшении уставного фонда с 165434012 сум до 82717006 сум 46 тийин.

ООО "SUPRIME TRADE" Юнусабадского района г. Ташкента сообщает о преобразовании общества с ограниченной ответственностью "SUPRIME TRADE" в частное предприятие "SUPRIME TRADE".

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.
Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
® - Тижорат материали

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 723.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2100
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2 3 4 6

Босишга топширилди 22.20